

Оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ҳайъат йиғилишларида иштирок этиши

Ҳайъат йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштирок этиши мумкинлиги ва зарурлигини Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ижро этувчининг таклифи бўйича белгилайди. Оммавий ахборот воситалари вакилларини таклиф этиш бўйича ташкилий ишлар ва улар учун ахборот материалларини тайёрлаш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими томонидан амалга оширилади. Оммавий ахборот воситалари учун ахборот материаллари Ҳайъат йиғилишига тайёрланган материалларга зид бўлмаслиги керак. Мазкур ҳужжатларга Ижро этувчи, Ҳайъатнинг масъул котиби виза қўяди ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вазири билан келишилади. Оммавий ахборот воситалари вакилларини рўйхатдан ўтказишни Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги раҳбариятини хабардор қилган ҳолда Ташкилийинспекторлик бошқармаси билан ҳамкорлиқда амалга оширади. Оммавий ахборот воситалари вакилларига иш материаллари ва Ҳайъат якуний материалларининг лойиҳалари берилмайди. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Ҳайъати ўз фаолиятида амалдаги қонунларга мувофиқ қонунийлик, Ўзбекистон Республикаси Президентига, Вазирлар Маҳкамасига бўйсуниш ва ҳисобдорлик, бошқаришни марказлаштириш тамойилларига амал қиласади.